Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 21 май • №19 (1351)



*Видеоселектор*

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**



Тинчлик ва соғлик – инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Сўнгги бир йилда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу йил соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилга нисбатан 3 баравар кўп маблағ ажратилди.

Лекин, тизимда самарадорлик ва аҳолига қулайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фоиз аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни 5 та йўналишда кўрсатиб ўтди.

**Биринчиси** – бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш.

**Иккинчиси** – ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш.

**Учинчиси** – рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

**Тўртинчиси** – тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.

**Бешинчиси** – тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш.

Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

– Тиббиётдаги ислоҳотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлиғини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта ўзгариш бўлади, – **деди Шавкат Мирзиёев.**

Аввало, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда 250 дан зиёд касалликларнинг 87 тасини бирламчи бўғинда даволаш мумкин. Бунинг учун мазкур бўғинни малакали кадрлар, шошилинч ёрдам учун зарур 50 хил дори ва 16 турдаги тиббиёт воситалари билан таъминлаш керак.

Президент сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда оилавий шифокорлар малакасини ошириш, "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Юртимизда 17 та ихтисослашган тиббиёт маркази бор. Улар томонидан жойларда тиббий кўриклар ўтказилаётгани натижасида касалликлар эрта аниқланиб, оворагарчиликларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, Фтизиатрия ва Педиатрия марказлари барча ҳудудларда ўз филиалларини ташкил этгани боис, Тошкентга келувчи беморлар сони сўнгги 2 йилда қарийб 20 фоизга камайган.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, жарроҳлик амалиётини талаб этмайдиган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига диагноз қўйиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини туманларда амалга ошириш мумкин. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, кўкрак ва қорин бўшлиғи йўналишларидаги жарроҳлик муолажаларини вилоят даражасида ташкил қилиш учун шароитлар етарли.

Республика марказларида эса мураккаб ташхисли касалликлар ва юқори технологик амалиётлар бажарилиши устувор бўлиши керак.

Шу боис, вилоят ва туман шифохоналарида даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаб, қуйи бўғин шифокорлари малакасини ошириш чоралари белгиланди.

Ҳокимликларга ҳудудий тиббиёт муассасаларини ангиограф, лапароскоп, сунъий қон айлантириш каби юқори технологик ускуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларига лицензия бериш тартибини соддалаштириб, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги айтилди.

Мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси бўлиб, уларнинг фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. 423 та бирламчи тиббиёт муассасаси "Электрон поликлиника" ахборот тизимига уланган.

Лекин янгича ишлаш учун ҳамма жойда ҳам шароит зўр эмас. Айрим тиббиёт муассасаларида компьютер етишмайди. Соҳани рақамлаштириш учун бу йил бюджетдан 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда.

Шу боис, вилоят тиббиёт бошқармаларида рақамлаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, барча тиббиёт муассасаларида электрон тизим билан ишлайдиган 2 мингта оператор-ҳамшира вазифаси жорий этилади.

Шу йил 1 августга қадар электрон ордер тизимини ишга тушириб, барча ҳудудлар ва ихтисослашган марказларни улаш, 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳридаги барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, болаларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб, мақсадли скринунглар ўтказиш вазифаси қўйилди.

Вилоятларда Перинатал ва Скрининг марказлари ягона кластер сифатида бирлаштирилиб, тумангача тушадиган бўғин ташкил қилиниши қайд этилди.

Соҳадаги яна бир долзарб йўналиш таълим, фан ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришдир.

Тиббиёт соҳасидаги ҳозирги таълим услублари бундан 30-40 йиллар аввал тасдиқланган, дарсликларнинг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайди. Олий ўқув юртлари ва ихтисослашган марказларда илмий салоҳиятга қизиқиш, рағбат кам.

Шу боис, тиббиёт олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, илғор хорижий тажриба асосида, менежерлар ҳамда юқори технологик ускуналар билан ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар очиш зарурлиги таъкидланди. Ординатура ва магистратурада ўқиётган иқтидорли ёшларни хорижда малака оширишга юбориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

– Соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили бир неча триллионлаб маблағ ажратилади, халқаро кредитлар жалб қилинади. Ушбу ажратилаётган маблағлар самарасини халқимиз сезиши керак, – **деди Президент.**

**Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.**

ЎзА.

Электрон манзилимиз: uzss@yandex.ru @uzssgzt

*Депутат фикри*

# ОДАМЛАР ҚАЧОН РОЗИ БЎЛАДИ, ҚАЧОНКИ...



**Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалаларнинг туб моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, барчаси бугун аҳолини қийнаётган муаммолар, сифатли ва ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатишга монелик қилаётган ҳолатлардир.**

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш, уларга замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида тўғри ташхис қўйиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори эса йилдан-йилга оширилиб, халқаро кредитлар жалб қилинмоқда. Аммо сўровлардан маълум бўлдики, тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни бугун атиги 13 фоиз аҳоли сезяпти, холос. Бу эса, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилишни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари "Тиббиётдаги ислоҳотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлигини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта ўзгариш бўлади", – дея таъкидлади видеоселектор йиғилишида ва бу борада бешта муҳим вазифани санаб ўтди. Хусусан, бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш, тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш вазифалари олдимизда турган устувор йўналишлар ҳисобланиши қайд этилди. Албатта, йиғилишда белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши барча даражадаги депутатларга катта масъулият юклайди. Айниқса, Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Парламент комиссияси аъзолари қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиши лозим.

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИСЛОҲОТЛАР ТИББИЁТ ТИЗИМИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

**Дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ҳам жиддий синовдан ўтказди, сифатли тиббий хизматга эҳтиёж янада ортди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам тиббиёт соҳасини тубдан такомиллаштириш вазифаси кун тартибига чиқди, тизим фаолиятига эътибор янада кучайди. Чунки, энг катта бойлик бу халқимиз саломатлигидир.**

Давлатимиз раҳбари раислигида тиббиёт соҳасидаги долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизим фаолиятига доир муҳим тавсия ва ташаббуслар илгари сурилди. Белгилаб берилган аниқ ва қатъий вазифалар ижроси мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

Жумладан, Президент соҳада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим 5 та йўналиш хусусида тўхталиб ўтди. Бунда аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини касалликларни эрта аниклайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш зарурлиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини янада ривожлантириш ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда шароит ва кадрлар масаласига эътибор қаратилди. Бугунги кунда 250 дан зиёд касалликларнинг 87 тасини бирламчи бўғинда даволаш мумкинлиги, бунинг учун мазкур бўғинни малакали кадрлар, шошилинч ёрдам учун зарур 50 хил дори ва 16 турдаги тиббиёт воситалари билан таъминлаш кераклиги таъкидланди. Президентимиз сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини қайд этди. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди. "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Шунинг билан бирга, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Албатта, бугун тиббиётнинг бирламчи бўғинини замонга қараб, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ташкил этиш кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа ҳисобланади. Шу ўринда тан олиш керак, бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо сайловчилар билан учрашувларда баъзан гувоҳ бўламизки, аксарият аҳоли тиббий хизмат сифатидан рози эмас. Бу борада кўп холларда асосий эътироз бирламчи тиббий ёрдам муассасалари фаолиятига билдирилмоқда. Айниқса, чекка ҳудудларда малакали шифокорлар етишмаслиги ўткир муаммога айланган. Жойларда шифокорлардан аҳоли норозилигининг ошиб бораётгани, беморларнинг яқинлари ва шифокорлар ўртасида турли низолар келиб чиқаётганига тез-тез ҳам гувоҳ бўляпмиз. Чиндан ҳам соҳада кадрлар етишмовчилиги, кам сонли шифокорларга иш юкламасининг йиллар давомида юқори бўлиб қолаётгани сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳалал бериб келмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар соҳадаги ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, тиббий хизмат сифатини ошириш, бирламчи бўғинни замон талабларига мослаштириш, тизим ходимларини фаол қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратишда муҳим аҳамият касб этади.



Йиғилишда, шунингдек, ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш, тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш ҳамда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

**Энг муҳими, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, янгича таклиф ва ташаббуслари билан тиббиёт тизимини халқимизга фақат ва фақат сифатли хизмат қилиши нуқтаи назаридан ислоҳ этилмоқда. Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз тиббиёти сифат жиҳатдан янги даражага чиқиши, шубҳасиз.**

**Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЯНГИ ОРДЕР БЕРИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги Президент Фармони (ПФ–6221-сон, 05.05.2021 й.) қабул қилинди.**

Фармонга кўра, 2021 йил 1 июлдан нодавлат тиббиёт ташкилотларига қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат берилади:

– махсус автотранспортда ташкил этиладиган "мобил тиббиёт" хизмати ёрдамида жойига чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш;

– нодавлат тиббиёт ташкилотининг ўрта тиббиёт ходимларидан иборат "тиббий пункт"ларини ташкил этиш.

–2021 йил 1 ноябргача бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизими жорий этилади.

Фармонга кўра, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида бепул даволанишга ордерлар бериш учун 2021 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўшимча 80 миллиард сўм маблағ ажратилади. Вазирликда Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси ташкил этилди. Шунингдек, 2021 йил 1 июлдан Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси унга Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилади ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига ўтказилади.

– Палата, жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказади ва уларга малака тоифалари беради.

**Ғофиржон СОЛОМОВ,**
**Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи.**

*Тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар*

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР ЯНАДА КУЧАЯДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги Фармони билан соҳани янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.**



Мазкур ҳужжатда 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда "тиббиёт бригадалари" фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, айни вақтда институтимиз ходимларидан иборат 8 та ишчи гуруҳи тузилиб, Самарқанд вилоятидаги оилавий поликлиникаларга бириктирилди. Мавжуд 15 та туман ва 11 та шаҳар оилавий поликлиникасида тиббий харита шакллантирилиб, аҳоли хавф гуруҳларига ажратилиши ҳамда диспансер назоратга олиниши, кишлоқ ва маҳаллаларда эса "тиббиёт бригадалари" ташкил этилиши режалаштирилди.

Фармонга мувофиқ, клиник ординатурада ўқитишнинг янги тизими жорий этилмоқда. Аввало, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб клиник ординатура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси икки баравар оширилади. Янги тизимга кўра, клиник ординатура ўқув даврининг иккинчи йили худудлардаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилади, шунингдек, маълум бир қисми иш жойида давом эттирилади.

Институтимиз томонидан жорий ўқув йилидан бошлаб барча юқори курс клиник ординаторлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги турли тиббиёт муассасаларига жалб қилиниб, амалий дарсларни ўзлаштирмоқда. Ушбу Фармон билан ҳудудларга зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда грант ажратилиши ҳамда мазкур грант асосида таълим олган битирувчиларга ўша ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилмоқда, яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши назарда тутилмоқда. Натижада яқин йилларда олис ҳудудларда ҳам барча мутахассисликдаги шифокорлар халқимизга хизмат қилишига эришилади.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг бир қатор клиник кафедралари, жумладан, онкология, кардиология, эндокринология, хирургия ва болалар хирургияси, юқумли касалликлар, тери-таносил касалликлари кафедралари вилоятнинг ихтисослаштирилган тиббий марказларида жойлаштирилган бўлиб, мазкур муассасалар ўқув жараёнига методик жиҳатдан кўмаклашиб келмоқда.

Президентимизнинг шу йил 16 апрель куни Самарқанд вилоятига ташрифи давомида фаоллар иштирокида ўтказилган йиғилишда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, тиббий профилактика ишларини такомиллаштириш, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаолликни тарғиб қилиш бўйича берган топшириғига асосан институт ходимлари амалий ишларни бошлаб юборди.

Ҳудудлардаги касаллик кўрсаткичларини инобатга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда институтнинг хирургик касалликлар, ички хасталиклар, акушерлик ва гинекология, гематология, травматология ҳамда ортопедия, умумий хирургия, кўз касалликлари, анестезиология ва реанимация, оториноларингология ҳамда педиатрия факультетининг хирургик касалликлар кафедралари туман ва шаҳарларга бириктирилди, кафедралар клиник базалари туман тиббиёт бирлашмаларига жойлаштирилди. Туманларга институтнинг 418 нафар битирувчи курс талабаси, 75 нафар малакали ҳамда етакчи мутахассислари масъул этиб тайинланди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар марказлашган ҳолда туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли шифохоналар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиника ҳамда оилавий шифокорлик пунктларида дарс жараёнини амалиётга татбиқ этиш ва беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида белгиланган жойларга автобусларда олиб бориб келинаётир.

Эҳтиёжга кўра, профессор-ўқитувчилар битирувчи курс талабалари билан бирга оилавий шифокорлик пунктларига бориб, беморларни қабул қилмоқда ҳамда оилавий шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига беморлар кўриги, "Юқумли бўлмаган касаликлар профилактикаси", "Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш", "Тўғри овқатланиш тамойиллари", "Жисмоний фаоллик ва унинг аҳамияти" мавзуида маъруза ҳамда семинарлар, маҳорат дарслари ўтказмоқда.

Мақсадли скрининг ва тиббий кўрикларда ҳам профессор-ўқитувчилар, талабалар фаол иштирок этмоқда. Ҳудудларда аниқланган беморлар гуруҳи тўлиқ қамраб олиниб, соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилгандан сўнг кафедра профессор-ўқитувчиларининг туманлар бўйича ротацияси амалга оширилиши белгиланган. Ушбу ротация тумандаги беморларнинг мутахассислар кўригига бўлган эҳтиёжига қараб олиб борилади.

Бундан ташқари, вилоятимизда жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари ва коллежларда клиник базалар ташкил қилиняпти. Жумладан, Самарқанд, Сиёб, Ургут, Пастдарғом, Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачидаги техникумлар билан келишилган ҳолда уларга институтнинг 32 та клиник кафедраси бириктирилди ва ушбу техникумларда талабаларнинг ўқув амалиётини ўташи учун барча шарт-шароит яратилди.

Институтда ҳозирги вақтда бакалавриатнинг 10 дан ортиқ йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Биринчи курсга 2020/2021 ўқув йилида 1 минг 30 абитуриент талабаликка қабул қилинди. Шу йил институтимизда фармация иши, тиббий профилактика, жамоат саломатлиги ва тиббий биология факультетлари ҳамда халқ табобати бўйича йўналишларнинг йўлга қўйилиши янги имкониятлар эшикларини очиб берди.

Йилдан-йилга соғлиқни сақлаш ходимларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис тиббиёт олий таълим муассасаларида қабул квоталари ошириляпти. Ана шу талаб туфайли институтимизнинг 800 ўринли янги ўқув биноси қурилмоқда. Бу ўқув масканимизда қабул квотасини янада оширишга, ёшларнинг замонавий шароитларда таълим олишига имкон яратади.

Профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб деярли ҳар куни онлайн конференциялар, давра суҳбатлари ҳамда вебинарлар ташкил қилиш йўлга қўйилган. Бу каби тадбирлар натижаси ўлароқ бугун институтнинг илмий салоҳияти 29,7 фоиздан 40 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Институтда илмий тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлигини яхшилаш, кафедралар илмий салоҳиятини кўтариш, ёш педагог ходимларнинг "Scopus" ва "Wos" илмий базаларга кирувчи журналларда мақола чоп этиш, монографиялар нашр қилиш ҳамда диссертация тадқиқотларини олиб бориш бўйича кўникмаларини юксалтириш мақсадида 20 нафар ёш иқтидорли ходимимиз малака оширди.

Институт юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан ташқари бугунги кунда фаол илмий тадқиқотлар олиб бораётган Европа, Осиё ва Американинг кўплаб илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий тиббий таълим масканлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган, ҳамкорлик меморандумлари имзолаган. Ушбу келишувлар бизга мазкур тиббиёт муассасалари билан биргаликда илмий изланишлар олиб бориш, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ва талабалар, ўқитувчиларнинг академик алмашинув дастурларини кенг жорий қилиш имконини беради.

Институтда 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг "ERASMUS" дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион еврони ташкил этувчи 2 та халқаро академик грант лойиҳа, шунингдек, АҚШнинг "Smile Trend" ташкилотининг гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг асосий мақсади институтда олиб борилаётган таълим жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда илмий ишларнинг халқаро эътирофига эришишдан иборат.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб институтимизга олий тиббий маълумот олиш истагини билдирган 475 нафар хорижлик талабани қабул қилдик. Яқин келажакда биз жаҳон рейтингидаги энг яхши 1000 та университет сафидан жой олишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун етарли имконият, илмий салоҳият мавжуд.

Пандемия сабаб карантин тартиби эълон қилинган вақтдан бошлаб институтимиз масофадан ўқитиш жараёнига тўлиқ тайёр эди. Яъни барча асосий ўқув материаллари электрон форматда таржима қилинган ва махсус яратилган виртуал ресурс базаларига жойлаштирилган бўлиб, уларга институтнинг барча ўқитувчи ҳамда талабалари кириши мумкин. Шунинг учун ўқув йилини тўлиқ шай ҳолда бошладик.

Таъкидлаш керакки, пандемия даврида халқимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда ҳали кўп ишларни бажаришимиз зарурлиги ойдинлашди. Шу боис 2020/2021 ўқув йилидан институтимизда Россия Федерацияси, Украина ва Польша билан ҳамкорликда бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурларига қабул амалга оширилди.

Талабаларни фаол яратувчанлик ишларига, ўқишга рағбатлантириш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, "Ректор стипендияси" жорий этилди. Бўлажак шифокорларни фаолликка ундаш мақсадида "SAMMI UNION" ёшлар ассоциацияси ҳамда "Талабалар илмий жамияти" ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда институтимизда кредит-модул тизими қўлланилаётган бўлиб, бу олий таълим соҳасида етакчи тенденция эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу тизимнинг республика олий ўқув юртларига татбиқ этилиши, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини оширишга, шунингдек, олий таълим тизимининг жаҳонга интеграциялашувига ёрдам беради. Зотан, бу соҳадаги ислоҳотлар айнан шунга қаратилган.

**Шиддат билан ривожланаётган жамиятимизда келгусида халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кучли тиббиёт кадрларини тайёрлаш, ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш масаласида ҳам тиббиёт муассасалари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қисқа айтганда, институт жамоасининг бутун салоҳияти мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга, жаҳон талабларига мос малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган.**

**Жасур РИЗАЕВ,**
**Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, профессор.**

*Эътироф*

# МЕҲНАТЛАР ЗАМИРИДА МУНОСИБ РАҒБАТ

**Бугунги кунда республикамиз тиббиёт масканларида 320 мингдан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари эл саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Албатта, қалблардан чуқур ўрин олган ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатини қанчалар эътироф этсак-да озлик қилади.**



Бирламчи тизимдан тортиб, нуфузли клиникаларда ўз билим, иқтидори ва бой малакаси билан эл ҳурматига сазовор бўлаётган ҳамширалар хизмати Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир.

Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, қанчадан-қанча ҳамшираларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқдалар. Куни кеча вазирликда бўлиб ўтган 12 май – Халқаро ҳамширалар кунига бағишланган тадбирда юқоридаги фикрларимиз яна бир бор ўз тасдиғини топди десак, хато бўлмайди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фидойиларча меҳнат қилаётган ўрта тиббиёт ходимларини Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлаб, улар меҳнатини эътироф этди. Шунингдек, шифо масканларидаги ўрта тиббиёт ходимларининг тиббиёт тизимига қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб келаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вазир ўринбосари ўз фикрларини давом эттирар экан, мазкур соҳа ходимлари меҳнати Президентимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланиб келаётганлигини ва куни кеча ушбу байрам арафасида Юртбошимиз томонидан имзоланган Фармонга кўра, 20 минг нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари учун янги иш ўринлари яратилиши катта тарихий воқелик бўлганини алоҳида таъкидлади. Сўнгра Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳод Ҳанапияев сўзга чиқиб, аҳоли саломатлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган ўрта тиббиёт ходимларини касбий байрам билан қизғин қутлади. Ва соҳа вакилларининг фаолиятдаги ўрни нечоғлик муҳим ва масъулиятли эканлигини эътироф этди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ўрнатилган карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда видеоконференция шаклида ўтказилган мазкур тадбирда вазирлик ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамкорлигида ҳар йили ўтказиб келинадиган "Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими" анъанавий танловининг республика босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур анъанавий тадбир юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам ўтказилиб, вазирлик биносидаги асосий студияга вилоятлардаги байрам иштирокчилари ҳам онлайн тарзда уланиб, тадбирга ўзгача шукуҳ кирди. Танловнинг мақсадига кўра, юртимиздаги мавжуд тиббиёт муассасаларида фаолият юритиб келаётган ўрта тиббиёт ходимлари "Йилнинг энг яхши ҳамшираси", "Йилнинг энг яхши патронаж ҳамшираси", "Йилнинг энг яхши операция хонаси ҳамшираси","Йилнинг энг яхши тез тиббий ёрдам станцияси ҳамшираси", "Йилнинг энг яхши лаборанти", Йилнинг энг яхши фармацевти", "Йилнинг энг яхши санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ўрта тиббиёт ходими" каби 13 та номинация бўйича ўзаро беллашган эди. Республика босқичида ҳар бир йўналиш бўйича 3 нафар (1-, 2- ва 3-ўринлар бўйича) жами 39 нафар ўрта тиббиёт ходими ғолиб деб топилиб, улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.





**Умидахон АХМЕДОВА, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази суяк-бўғим жарроҳлиги бўлими катта ҳамшираси, "Йилнинг энг яхши катта ҳамшираси" номинацияси ғолибаси:**

– Аввало, ҳамширалик касбини танлаганимдан фахрланаман. Мана бир неча йилдирки, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдаман. Тўғрисини айтганда, касбимиз ниҳоятда масъулиятли, машаққатли ва шарафлидир. Мен фаолият юритаётган тиббиёт марказида нафақат пойтахтимиз, балки ҳудудлардан фуқаролар даволанишга келишади. Албатта, нажот ва дардига даво излаб келган беморларга биринчи навбатда хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш, даво муолажаларини сифатли олиб бориш асосий вазифамизга киради. Аксарият бўлимимизда хирургик касалликлар даволанишади. Бунинг учун тиббиётнинг ҳар бир талабига тўлиқ риоя қилган ҳолда фаолият олиб борамиз. Катта ҳамшира сифатида айтмоқчиманки, жамоамиз билан биргаликда беморларга ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий ёндошувларга асосланамиз. Устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйганмиз. Тажрибали мутахассисларимиздан керакли тавсия ва маслаҳатларини фаолиятимизда қўллаб келмоқдамиз. Бу йилги касбий байрамимиз менга катта бахт олиб келди. Камтарона меҳнатимни муносиб тақдирлаб, "Йилнинг энг яхши катта ҳамшираси" номинациясига лойиқ деб топган барча ташкилотчиларга чексиз миннатдорлигимни билдираман. Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаб, кенг имкониятлар яратаётган Юртбошимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам алоҳида ташаккуримни изҳор қиламан.

**Шаҳноза НУРИДДИНОВА, Навоий вилояти, Кармана туман тиббиёт бирлашмаси дорихона бўлими фармацевти, "Йилнинг энг яхши фармацевти" номинацияси ғолибаси:**

– Ҳар бир касбнинг ўзига хос қийинчилиги бўлади. Айниқса, инсон саломатлиги йўлида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари учун масъулият жуда катта. Чунки, инсон ўз соғлигини соҳа ходимлари меҳнатисиз тасаввур эта олмайди. Дард чекиб келган бемор тиббиёт ходимидан нажот кутади. Бемор аҳволини кўрган шифокор керакли тавсия ва маслаҳатини беради. У ҳох шифо масканида ёки уйида даво муолажасини олсин, албатта, дори-дармонсиз бўлмайди. Дарҳол дорихонага мурожаат қилишади. Менинг касбим дори-дармон тайёрлаш билан боғлиқ. 2007 йилда Навоий тиббиёт коллежининг фармацевтика йўналишини тугатиб, илк фаолиятимни Кармана туман тиббиёт бирлашмаси дорихонасида фармацевт лавозимидан бошладим. Шу кунга қадар ушбу масканда ишлаб келмоқдаман. Дорихонамизнинг ички дорихонасида натрий хлор, глюкоза, анальгин, димедрол, папаверин, дибазол ва бир қанча дори-дармонларни ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрлаймиз. Албатта, уларни тайёрлашда асосан меъёрий қоидаларга катта эътибор қаратамиз. Тайёрланган дори-дармонлар стерилланади, қадоқланади ва ғилофланади. Ушбу дори-дармонлар туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимларига бепул тарқатилади. Ишимиз ниҳоятда тозалик озодаликни ва хушёрликни талаб этади. Касбимни севаман, ардоқлайман. Халқаро ҳамширалар кунида меҳнатимни муносиб баҳолаб, "Йилнинг энг яхши фармацевти" номинациясига лойиқ деб топган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакилларига дил изҳоримни билдираман. Мен албатта бундай ишончни ўзимнинг астойдил меҳнатим билан оқлайман ва бор куч имкониятимни халқимиз саломатлигига бағишлайман.

**Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ, Республика Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияси лаборанти, "Йилнинг энг яхши санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ўрта тиббиёт ходими" номинацияси ғолиби:**

– Ўз касбим билан фахрланаман. Чунки, эл дуосини олиб яшашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ўрта тиббиёт ходимлари ишламаган муассаса, ташриф буюрмаган хонадон бўлмаса керак. Холис айтганда, меҳнатимиз машаққатли, масъулиятли, аммо шарафли. Қанчадан-қанча ҳамшираларимиз, лаборантларимиз тонгларни тунларга улаб, бемор қалбларга нажот бахш этишади. Мана бугунги тадбирда ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатига берилган юксак баҳо барчамизни бирдек қувонтирди. Менинг ҳам меҳнатларимни қўллаб-қувватлаб, "Йилнинг энг яхши санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ўрта тиббиёт ходими" номинациясини беришди. Бундай эътирофдан жуда мамнун бўлдим. Ҳатто, фаолиятимдаги машаққатли кунларим ҳам унут бўлди. Бу рағбат менга янада куч бағишлади. Эътибор учун Юртбошимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шунингдек, байрам тадбирида 75 нафар энг фаол ҳамшира эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дарҳақиқат, ҳамширалар меҳнати тўғрисида бу каби илиқ фикрларни яна давом эттириш мумкин. Шундай экан, тадбирга ўзгача файз киритган тақдирлаш маросими ҳамширалар меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди десак, муболаға бўлмайди.**

***Ибодат СОАТОВА,***
*журналист.*

*Имконият*

# ЖАМИЯТИМИЗДА ҲАМШИРАЛАРНИНГ МАВҚЕИ ЯНАДА ОРТМОҚДА

**Ҳамшира деганда кўз ўнгимизда қўли енгил, сўзи ширин, юзи кулиб турадиган ва ҳар қандай вазиятда беморга беминнат кўмак беришга тайёр малакали мутахассис гавдаланади. Тиббиёт масканларида фидойи бўлиб, ўзига юклатилган вазифа – бемор парваришини сидқидилдан амалга оширадиган соҳа вакиллари халқимиз саломатлигининг таянчи, деб бемалол айта оламиз.**



Ҳар йили 12 май Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам кенг нишонланади. Сана тарихига назар солсак, биринчи профессионал ҳамширалар фаолияти асосчиси Флоренс Найтингейлнинг таваллуди шарафига 12 май ҳамширалар куни сифатида белгиланган. Ушбу санада юқорида таъкидланганидек, фидойи касб эгалари қутланиб, фаолияти билан намуна кўрсатган ҳамширалар моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватланади. Соҳа бўйича турли кўрик-танлов ва байрам тадбирлари ташкил этилиб, унда фаол қатнашган ва ғолиб бўлганлар муносиб рағбатлантирилади.

Айниқса, бу йил ушбу байрам арафасида Президентимиз томонидан “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони имзолангани барчани бирдек қувонтирди. Ҳужжатда ҳамшираларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш, ўз билим-малакасини ошириши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, ҳамшираларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, турли имтиёз ва имкониятлар яратиш, жамиятдаги ўрни, ижтимоий мавқеини кўтаришга алоҳида урғу берилгани билан ҳам аҳамиятли.

### Ҳамшираларнинг мавқеини кўтариш учун қандай ишлар амалга оширилади?

Фармонда ҳамшираларнинг малакасини ошириб, жавобгарлик, масъулият ваколатларини кенгайтирган ҳолда жамиятдаги мавқеини кўтариш кўзда тутилган. Ҳужжатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 августга қадар ўрта тиббиёт ходимлари мақомини ошириш нуқтаи назаридан уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослик йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини тўлиқ қайта кўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарурлиги билдирилган. Янгича тизим 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тўлиқ жорий қилиниши таъкидланган.

### “Ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланишга рухсат берилади

Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари билан ҳамширалар масъулияти, иш самарадорлиги бир неча баробар кўтарилди. Улар учун янги имкониятлар ҳамда иш ўринлари ташкил этилмоқда. Юқорида қайд этилган “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармонига кўра, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалар томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилиши белгиланган.

Албатта, янги ташкил этилаётган иш ўринлари тиббиёт коллеж ва техникумларини битираётган ёшлар ҳамда соҳада фаолият юритаётган ҳамширалар учун катта янгилик, имконият ҳисобланади. Бундан ташқари, 2021 йил Давлат дастурига биноан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб “Ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида фаолият олиб боришига рухсат бериладиган бўлди. Юқоридаги Фармонда “Ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланувчиларга қўйиладиган талаблар санаб ўтилган.

- ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши;
- тиббий муолажаларни ўрта тиббиёт ходимлари мақомини оширишдан келиб чиқиб бажариши;
- ҳамширалик иши фаолияти билан шуғулланаётган шахс белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориши.

Ушбу ўзгаришлар ўрта тиббиёт ходимларини иш билан таъминлаш, моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги ўрни, ижтимоий мавқеини кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

### Ўзбекистонда қанча ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритади?

Беморларнинг тезроқ соғайиши, аҳоли саломатлигини сақлашда уларни ўз яқинидек парваришлайдиган ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида 300 минг нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритади. Шулардан 64 минг 93 нафари олий тоифали ҳамшира бўлса, 24 минг 966 нафари биринчи тоифали, 39 минг 995 нафари иккинчи тоифали ҳамширалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳамшираларни қўллаб-қувватлаш, билим-кўникмаларини ошириш, сифатли фаолият юритиши учун муносиб иш шароитларини ҳозирлаш, ўз иш самарадорлиги билан бошқаларга намуна кўрсатганларини рағбатлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қайд этиш керак, фидойи оқ либос соҳиб ва соҳибалари берилган эътиборга фидойилиги, касбига садоқати билан муносиб жавоб қайтармоқда. Айниқса, пандемия даврида коронавирус балоси билан курашда қатнашган 200 мингдан ортиқ тиббиёт ходимларининг кўпчилиги заҳматкаш ҳамшираларимиз ҳисобланади. Коронавирус инфекциясининг олдини олиш, касалликка чалинган беморларни даволаш борасида ҳам ҳамшираларимиз фидойилик ва матонат кўрсатишаяпти. Хусусан, улар карантин талаблари, санитария қоида-меъёрларини фуқароларга бирма-бир тушунтиришди.

Албатта, бундай фидойи инсонлар халқимиз меҳрини қозониши билан бирга давлатимизнинг эътирофи, ғамхўрлигига ҳам эришди. Жумладан, Президентимизнинг тегишли Фармонлари билан ўтган йили 70 нафардан ортиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари нуфузли Давлат мукофотларига сазовор бўлди.

### Тиббиёт коллеж ва техникулари фаолияти янада такомиллаштирилди

Бугунги кунда асосий эътибор юқори билим-кўникмага, амалий тажрибага эга, замонавий тиббиёт тушунчаларини теран англаган ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2020 йилнинг 7 апрелидаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан мамлакатимизда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашнинг янгича, самарали тизими ишлаб чиқилди. Ҳужжатга кўра, мамлакатимиздаги тиббиёт коллежларида ўқитиш тизими бутунлай ислоҳ этилди ҳамда уларнинг 47 таси Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларига айлантирилди. Айни пайтда юртимизда 28 та тиббиёт коллежлари фаолият юритиб, унда 744 нафар ўқувчи грант, 12 минг 906 нафар ўқувчи эса шартнома асосида таҳсил олади. Фаолияти йўлга қўйилган 47 та Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида эса 968 нафар грант, 22 минг 792 нафар шартнома асосида бўлажак ўрта тиббиёт ходимлари таҳсил олмоқда.

Бундан ташқари, тиббиёт техникумларининг ўқув дастурлари шу йўналишдаги олий таълим муассасаларининг дастурлари билан интеграция қилинган. Шу боис ҳам техникумнинг намунали битирувчилари ўз йўналишлари бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларининг 2-курсидан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига ҳам эга.

Шунингдек, бу йил ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш тизими ҳам янада такомиллаштирилади. Хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ҳамда тиббиёт коллежлари Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда тиббиёт олий таълим муассасалари, бошқа турдаги клиникаларга бириктирилади. Бир сўз билан айтганда, ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлашда бутунлай янгича тизим жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишига замин яратиши шубҳасиз.

### Янги патронаж тизими аҳоли саломатлигини қай даражада сақлай олади?

Аҳоли саломатлигини сақлашда патронаж тиббий хизмати муҳим ўрин тутади. Боиси, патронаж ҳамшираларимиз уй-ма-уй юриб, аҳоли хонадонларига борган ҳолда уларга турли тиббий маслаҳат ва хизмат кўрсатишмоқда. Бу механизм, айниқса, юқумли касалликлар ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзига амал қилмагани боис юзага келувчи хасталиклар кўпайишини кескин камайтиради. Шу боис, аҳолига патронаж тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам бугунги кунда буткул янгича қиёфа касб этаяпти. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўпгина касалликларга чалинишнинг олдини олади. Шу боис, бугунги кунда аҳолини жисмонан фаолликка, тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилишга одатлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Бу муҳим вазифа эса, албатта, биринчи навбатда, ҳамшираларнинг зиммасига тушади. Мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган оммавий тиббий хатлов жараёни ва ундаги маълумотлар асосида аҳолини тўрт гуруҳга ажратиш ишлари ҳам айни шу йўналишдаги чора-тадбирлар бўлиб, бу чора-тадбирларни амалга оширишда патронаж ҳамширалари асосий куч вазифасини ўтади.

Илгари аҳоли ёппасига патронаж ва оммавий чуқурлаштирилган кўриклардан ўтказилган бўлса, айни пайтда оммавий шаклдаги профилактик ва чуқурлаштирилган кўриклар ўрнига мақсадли скрининг дастурлари, тотал патронаж ўрнига универсал-прогрессив патронаж тизими жорий қилинмоқда. Яъни ҳар бир фуқаронинг ҳолати реал баҳоланиб, алоҳида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси орасидаги ортиқча вазн, юқори қон босими бор, қандли диабет, инфаркт, инсульт, онкологик ва бошқа ижтимоий касалликларга мойил бўлганларнинг алоҳида рўйхати юритилиб, улар индивидуал патронаж билан қамраб олинмоқда. Айни пайтда бу жараёнда ҳамшираларга янада катта ишонч билдирилиб, кўпроқ масъулият юкланаётгани бор гап. Махсус тайёргарликдан ўтган ҳамшираларга шифокоргача кўрикларни, скринингни ўтказиш, ҳамширалик ташхисларини қўйиш, реабилитация ва назоратни амалга ошириш вазифалари юкланмоқда. Унга муносиб бўлиш учун эса ҳамширалар шунчаки шифокор ёрдамчиси эмас, маълум ихтисосликка эга, малакали ўрта тиббиёт ходимига айланишлари талаб этилади.

Оқ либос соҳибалари нафақат даволаш муолажалари билан, балки ширин сўзи, меҳр-муҳаббати ва ғамхўрлиги билан ҳам бетобларнинг дардига шифо улашади.

**Юқоридаги фактлардан англаш мумкинки, бугунги кунда давлат ва жамият томонидан ушбу касб эгаларига катта эътибор берилмоқда. Бу эса уларнк янада масъулиятли бўлишига ундаши шубҳасиз.**

www.ssv.uz

*Орамиздаги одамлар*

# ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАСИ

*Зулфиянинг болалиги, бегубор кунлари Сардоба туманининг илгариги Титов хўжалиги, ҳозирги Пахтаобод шаҳарчасида ўтди.*

**– Эсимда, – дейди Зулфия опа Азизқулова. – Асли Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Маржон булоқ қишлоғиданмиз. Отам Турдибой бобо (агроном) ҳосилот эди. Чўлни, Сирдарёни ўзлаштириш, қуруқ ва шўр, саксовул босган ерларни боғ-бўстон гулистонга айлантириш мақсадида Сардобага, янгитдан ташкил этилган хўжаликка кўчиб келганди.**

Тўғриси ҳам шундай бўлган. Турдибой бобо, Ҳалима момо сингари чўлга, мирзачўлга кўчиб келган маржон булоқликларга ва бошқа жойлардан мажбуран кўчириб келинган одамларга яъни чўлкуварларга осон бўлмаган. Ўша пайтлари, ҳеч ким меҳр қўйган жойини, иссиққина гўшасини ташлаб, шарт-шароити йўқ, кимсасиз ва овлоқ ерларга, бийдай катта чўлларга кўчиб келиб, фалак отиб, яшаб қоламан деб ўйламаган. Дастлаб, ердан тўла (хандақ) қазиб, ер тўлаларда, кейинчалик катта кичик капа уйларда яшаб, ишлашган, тирикчилигини ўтказишган. “Кўз кўрқоқ, кўл ботир” деб шунга айтишса керак. Қисқа муддатда шўр ва саксовул босган, бўз ерлар ҳам ўзлаштирилган, чигит қадалган. Рўзғор учун керак бўладиган мевали кўчат, сабзавот экинлари экилган. Аста, секинлик билан бўлсада кўникишиб, ўзлари учун бошпана қуришган. Зулфия опани отаси Турдибой бобо ўқимишли, зиёли, кўпни кўрган киши бўлганлиги боис, янги хўжаликда бош ҳосилот бўлиб иш фаолиятини бошлаган. У кишининг турмуш ўртоғи Ҳалима момо бир чекада қараб турмаган. У ҳам Турдибой бобога елкадош бўлиб, ҳали пахта даласида, кичик, жуссасига мос келадиган кетмонни кўтаргунча эгат оралаган. Ҳали мактабдаги ишига чопган. Ўқитувчи бўлмаган, лекин фаррош бўлган бўлсада роса ҳурмати яхши, эъзозли аёллардан бири бўлган. Қолган вақтини болаларни тарбиясига бағишлаган.

*– Оиламизни кичкина деб, бўлмасди. Олти қиз, икки ўғил. Отам ва онам билан ўн киши эдик. Каттагина эмас, эди-ю, икки хонали кичкина уйча яъни кулбада яшагандик. Мен оилада тўнғичи бўлганман. Отам ҳам, онам ҳам илмга, бўш вақтларида китоб ва газеталарни мутолаа қилишга қизиқишарди. Мой чироқни ёруғида, бир биридан қизиқ, ҳикоя ва романларни ўқиб беришар эди. Шунданми, ўқишга ҳавасимиз болаликдан орта бошлаган. Ҳозир сингилларим турмушга чиқиб кетишган, фарзандли, неварали, укаларим ҳам. Укам Улуғбекжон туман электр тармоқлари корхонасида, Ойбек Гофуровлар эса туман пахта тозалаш заводида ишлайди. Эсимда, илк маротаба 1968 йилда тумандаги 6-умумтаълим мактабига ўқишга бориб 6-синфгача ўқиганман, Сўнгра ўқишимни 14-мактабда давом эттирганман. Синфдошларим ҳам турли туман миллат болалари эди. Иноқ эдик улар билан. Оиламизда шифокор, шифокорлик касбига қизиққанлар йўқ эди. Мени, нимагадир шу касбга меҳрим тушганди. Отам буни пайқади чоғи , мактабни тугатган йилим, Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтига етаклаб борди. Омадни қаранг, ўша йили ушбу институтнинг талабаси бўлдим,* **– дейди Зулфия опа.**

Зулфия опа тиришқоқ, ўқишга чанқоқ талабалардан бўлган. педиатрия соҳасини сири синоатини ҳам уқишда, ҳам амалиёт жараёнларида мукаммал ўрганди. 1988 йилда Сирдарё вилоят болалар шифохонаси, ҳозирги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида интернатура босқичини ўтади. Болаларда учраётган сурункали, юқумли ва юқумсиз бўлган касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш борасида билганларини амалиётда қўллаган бўлса, билмаганларини ўша пайтларда бирга ишлаган, малакали шифокорлардан ўрганди. Бу унга катта ҳаёт мактабини ўтаб берди. Бахтни қаранг, ўша йиллари Тошкент қишлоқ хўжалик институтини агрономия факультетини тамомлаётган Боёвутлик талаба Усмонқул акага ҳаёт уни рўпара қилди. Бир бирига меҳри тушди. Турдибой бобо ва Ҳалима момо, жажжи, ўша бир замонлар эркалатган, чироқ ёруғида китоб ўқиб берган ва шифокор бўлсин дея ўқишга етаклаб борган қизлари, бўйи басти келишган, оқила ва дона, ҳар бир ота она орзу қилар даражадаги қиз бўлганлиги, йигит ҳам бамаъни йигитлардан бўлганлиги, унинг устига агроном бўлганлиги боис яхши ниятлар билан бу ёшларга оқ фотиҳа беришди. 1988 йилда туй ҳам ўтди. У энди Сардобани эмас Боёвутни қизига, келинига айланганди.

Усмонқул ака Боёвут туманидаги 1-Боёвут совхозда агроном бўлса, Зулфия опа ҳозирги, Боёвут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган 1-Боёвут қишлоқ участка шифохонасида участка педиатри бўлиб ишлай бошлади. У ишни маҳалла, маҳаллада яшовчи оилалар, фарзандлари билан танишишдан бошлади. Аста секинлик билан сурункали, ногирон, мавсумий аллергияси бор ва бошқа касалликлари бор болаларни рўйхатини шакллантиришдан ва уларга шунга яраша тиббий хизмат кўрсатишдан бошлади. Эринмади, изланди, интилди, хонадонма –хонадон юриб болаларни тўғри парвариш қилиш, юқумли ва юқумсиз касалликлардан ҳимоя қилиш, соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш йўллари ҳақида ўзининг дўстона маслаҳатларини уларга бериш билан бирга, қатор тарғибот тадбирларини ўтказарди. Унинг бу хислати, меҳнаткашлиги ўша пайтлардаги туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятини эътиборига тушди ва унга, унинг зиммасига бундан масъулиятли бошқа вазифа юклатилди. У 2001 йилда 1-Боёвутнинг 2-бўлимига умумий амалиёт шифокори вазифасида ишни бошлади.

*– Биласизми,* **– дейди Зулфия опа ўта камтарлик билан. –** *Шифокорлик шарафли касб. Буни юракдан, қалбдан англаган, бор меҳрини шу соҳага бера олган одам чинакам шифокор бўла олади. Чунки шифокорни битта хатоси, турли туман кўнгилсиз хатоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Тўғри, оқ халатни ҳамма ҳам ўз устига ташлаши мумкин. Лекин уни юракдан, қалбдан ҳис қилиб, бор меҳрини, кучини, идрогини, билимини шу соҳага бағишламаса, одамлар корига ярамаса унда бефойда. Менга буни агроном, яъни ҳосилот бўлган отам, Турдибой бобо ўргатган. У ота ва устозлари ўгитига амал қилиб кам бўлмади. Нақд ўн беш йил шу бўлимда умумий амалиёт шифокори бўлиб ишлади. Бўлимда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила унинг ўз оиласига, оиласининг аъзосига айланди. Бахтни, бахтиёрликни туйди. Усмонқул ака ва Зулфия опа оиласи, оиладаги муҳит, фарзандларни тарбиялаш борасидаги ишлари оғиздан оғизга ўтди. Ҳам ишда, ҳам оилада улар ибрат кўрсата олишди.*

*– Оила бу қўрғон. Бирин-кетин фарзандларим Акромжон ва Моҳираойлар туғилди. Ҳозир бир ўғил ва бир қизим бор. Қолаверса, ҳудуддаги болалар ҳам менинг болаларим. Уларга меҳрим бошқача. Чунки, кичкиналигидан биламан. Кўрганман, текширганман, зарур пайтларда тиббий муолажа қилганман. Бу эса бахт, чинакам, айтиб ва таърифлаб бўлмайдиган,* **– дейди Зулфия опа.**

Зулфия опа зиммасига 2016 йилда 1-Боёвут ҳудудида жойлашган Муқимий қишлоқ врачлик пунктининг мудираси вазифаси юклатилди. У ушбу ишда 2019 йилга қадар ишлади. Уни ўша йили туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникасига педиатр шифокор вазифасига ўтказишди. Ҳозир опа оила шифокори. Туман марказидаги “Соҳил” ва “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 4 минг 378 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади ва уларга ўз маслаҳат ва тавсияларини беради.

*– Зулфия опа, ўз онамдек бўлиб қолган, билмаганларимни ётиғи билан тушунтиради. Жойи келса, ўз ёрдамини қайси томонлама бўлмасин мендан, мен сингари шогирдларидан аямайди.*



*40 йил бу кичкина муддат эмас. Опамиз ва устозимиз ана шу йиллар давомида соҳада меҳнат қилиб, аҳолини саломатлигини, тинчлигини ўйлаб елди, югурди. Мен сингари, қанчадан қанча соҳа ходимларига устозлик қилди. Устозимизни шогирдлари роса кўп. Масалан айтадиган бўлсам, Назира Мамадалиев, Марғуба Абдуллаева, Матлуба Ризқулова, Нилуфар Абдужалилова, Дилфуза Мамурова, Зилола Холматова. Хуллас санаб саноғига ета олмаймиз,* **– дейди Назокат Шойизоқова.**

Зулфия опа ҳаётида яқинда унутилмас ҳодиса содир бўлди. Соғлиқни сақлаш вазирини махсус буйруғи билан опа “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишонига муносиб топилди. Бу опанинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари самараси. Опа бундан ҳам яхшиларига муносиб аёл. мукофотни Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Акбар Мирзахонов топшираркан, Соғлиқни сақлаш вазири ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси номидан опага дил сўзларини билдирди. Шогирдлари ва касбдошлари эса опани қутлашди.

*– Зулфияхон ажойиб, қули енгил педиатр,* **– деди тақдирлаш маросимида иштирок этган Акбархон Мирзахонов. –** *Биласизлар менга касбдош. Мендан бир йил кейин ўқишни тугатган. Лекин, бир жамоада бирга ишлаганмиз. У беморга бор меҳрини беради, ширин сўзини канда қилмайди. Унинг бу хислатлари ҳар қанча мақтовга, мукофотларга лойиқ. Оиласини яхши биламан. Усмонқул ака Азизқулов тумандаги “Биомаҳсулот булоғи” масъулияти чекланган жамиятда мудир бўлиб ишлайди, ўғли Акромжон ажойиб шифокор, инфекционист. У Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари. Қизи Моҳираой ўқитувчи. У Бекаобод шаҳрида яшайди. 6 нафар набираси бор. Опадан ўрнак оладиган, ўрганадиган жиҳатлар роса кўп.*

Биз опа билан анча суҳбатлашдик, иш, оила, ҳозирги бўлаётган ўзгаришлар ҳақида. Президентимизни тегишли фармон ва қарорларига биноан Сирдарёда жорий этилаётган суғурта тиббиёти, тиббиёт кластери тўғрисида. Опани ўз қарашлари, фикрлари бор экан. Тўғриси, биз ҳайратландик.

*– Қани, илгаригидек, ёш бўлиб қолсам,* **– дейди Зулфия опа.** *– Бугунги тиббиёт кечагисидан, биз ўқишни тугатиб, ишни бошлаган давримиздан анча фарқ қилади. Замонавий тиббий жиҳозлар, интернет алоқалари, хуллас бугунги тиббиёт мукаммаллашган, ривожланган. Муҳими, тараққий этяпти. Қаранг, ишлаш учун барча шарт шароит бор. Ўз устингизда ишласангиз бўлди. Янги жорий этилаётган давлат тиббий суғурта тизими соҳани, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни оқилона ечими бўляпти. Қувониш керак. Кўрасиз ўз самарасини беради. Ўшанда эслайсиз мени сўзларимни. Чунки, янги тизим ишга тушгач ҳар бир врач ўз устида ишлайди. Муносиб хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўз устида ишламаган, муносиб хизмат қилмаган врач эса кўп нарсалардан бенасиб қолади. Масалан, электрон поликлиникани олайлик, олдинлари поликлиникамиз бўйлаб врач қабулига келган беморлар турна қатор бўлиб, навбат кутиб ўтиришар эди. Энди эса йўқ. Уйдан туриб, врач қабулига ёзилади. Вақт йўқотмайди. Ортиқча овора бўлмайди. Бу ҳам битта қулайлик.*

Тўғриси ҳам шу. Туманда тиббиёт соҳаси анча тараққий этган. Буни туман тиббиёт бирлашмасида ишлаётган тиббиёт ходимлари, қолаверса, шифо истаб келаётган фуқаролар билан дилдан суҳбатлашсангиз, бирдан пайқайсиз. Бир сўз билан айтганда, Ғаллаороллик эмас, Боёвутлик Зулфияхон Азизқуловадан ўрганадиган, жиҳатлар роса кўп.

**Опа ҳозир 59 ёшда. Ғайрати, шижоати ичига сиғмайди. Бир зум бўлсада элга, юртга ёрдамим тегса, улар корига ярасам деб ўйлайди. Халқ саломатлиги йўлида изланишдан, меҳнат қилишдан чарчамайди. У чинакам шарафли касб соҳибаси. Бу сўзларни ўн, юз, ҳатто ундан кўп айтишга арзийди. Чарчаманг, изланишдан бир зум бўлсада тўхтаманг дегимиз келди Зулфия опага!**

**Ғулом ПРИМОВ,**
**Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.**

*Актуальная тема*

# ОТОМСТИТ ЛИ КОРОНАВИРУС БУДУЩИМ ПОКОЛЕНИЯ?

**Коронавирусы известны давно. Есть ссылки на 9-12 век, но особенно они заявили о себе в последнее десятилетие нынешнего столетия, а SARS-Cov-2 и вовсе усадил весь мир на карантин. Мы сегодня мечтаем о том времени, когда сменим тему пандемии на другие. Однако жизнь показывает, как отметил академик РАН Геннадий Сухих, что, к сожалению, новый коронавирус занимает существенную часть медицинской и научной активности. О некоторых аспектах этой активности и шла речь на заседании Научного совета РАН "Науки о жизни", обозначенном как "COVID-19 и репродуктивное здоровье". Большой ясности в понимание проблемы онлайн-собрание академиков не внесло, что, в общем ожидаемо. Нужны дальнейшие серьезные исследования. Но очертило векторы научных изысканий.**

## Нельзя ничего исключать

– Потенциальный риск инфицирования как мужских гонад, так и органов женской репродуктивной системы достаточно высок, - заявил директор Национального медицинского исследовательского центра акушерства, гинекологии и перинатологии им. В.И.Кулакова, академик Г.Сухих. Довольно-таки велико влияние этой инфекции на проведение вспомогательных репродуктивных технологий. Почему и были остановлены во всем мире программы ВРТ.

**Не исключена вероятность половой передачи SARS-Cov-2.**

*– Обнаружение вируса в образцах спермы у 5% мужчин с активной формой заболевания или находящихся на стадии выздоровления может указывать на возможность передачи инфекции половым путем, хотя это предположение требует дальнейшего изучения,* - **считает академик.**

К счастью, SARS-Cov-2 оказывает менее серьезное влияние на течение беременности, чем другие коронавирусы. Наиболее характерными осложнениями для пациентов с этой инфекцией являются преждевременные роды, дистресс плода, задержка внутриутробного развития, возможное прерывание беременности в виде выкидыша и мертворождение. Материалы мета-анализа с охватом более 950 новорожденных показывают, что детекция генома вируса была возможна в одном случае из 34 в пуповинной крови, в двух случаях из 26 на территории плаценты. В амниотической жидкости пока не обнаруженf. Но это не значит, по выражению Г.Сухих, что не может случиться буквально завтра. Следовательно, все этапы репродукции должны быть под пристальным контролем и вниманием, потому что могут служить причиной неблагоприятных воздействий.

По словам Г.Сухих, экспрессия генов АСЕ2 и протеазы TMPRSS2 в клеточных линиях ранних эмбрионов повышает вероятность вертикальной передачи инфекции и указывает на необходимость дальнейших изысканий для понимания потенциальных рисков для имплантации, для здоровья плаценты и плода. Работы в этом направлении имеют право на существование, и каждый из обозначенных периодов должен находиться в фокусе научного и клинического исследования.

– Мы не имеем права декларировать, что вертикальной передачи не может быть, потому что многое зависит от массы других событий, сочетание которых может позволить это сделать, – заявил академик и привел случай из собственной практики. Месяц назад в клинику НМИЦ им.В.И.Кулакова поступила беременная на 26-27-ой неделе гестации, которая в 21 неделю перенесла COVID-19. Несмотря на все предпринимаемые усилия, избежать преждевременных родов не удалось. Ребенок родился массой тела 393 грамма с обширным кровоизлиянием в легкие, в перивентрикулярную область головного мозга.

*– Его рост остановился в 21 неделю гестации, то есть в момент инфицирования. Мы потеряли ребенка на вторые сутки,* – **поведал Г. Сухих.**

На территории плаценты был идентифицирован N-белок, нуклеокапсидкоронавируса.

Сама плацента весила значительно меньше нормы. При микроскопии обнаружены участки инфарктов ворсин, отложения фибрина и другие повреждения. Иммуногистохимические реакции с антителами, специфические на этот вирус, и нуклеокапсид, а также масс-спектрометрия позволяют убедиться в наличии инфекции. Поэтому утверждать, что вертикальной передачи не существует, нельзя.

По словам заместителя директора по научной работе НМИЦ акушерства, гинекологии и перинатологии академика РАН Лейлы Адамян, на сегодняшний день неопровержимой доказательной базы вертикальной передачи нет, но, возможно, все впереди. Она остановилась на акушерских аспектах влияния COVID-19, заметив, что из-за опасности потерять беременность врачи чаще стали прибегать к операции кесарева сечения у тяжелых пациенток.

Сообщение Л.Адамян дополнила заместитель директора по научной работе НМИЦ акушерства, гинекологии и перинатологии Наталия Долгушина, посетовав, что до сих пор ни у акушеров-гинекологов, ни у репродуктологов нет четкого понимания, как все-таки влияет данная инфекция на женское и мужское здоровье. На основании экспериментальных данных можно предположить, что есть несколько путей поражения женской репродуктивной системы.

Первый – инфицирование SARS-Cov-2 тканей яичников. Второй – поражение ооцитов, что может способствовать получению инфицированных анеуплоидных ооцитов или ооцитов с метаболическими нарушениями, не способных к фертилизации. Третий - инфицирование ранних эмбрионов. Четвертый - поражение клеток эндометрия, что может приводить к нарушению имплантации эмбрионов, и беременность просто не будет наступать или будет происходить её потеря на ранних сроках. В НМИЦ им. В.И.Кулакова начато собственное исследование по влиянию вируса на женскую репродуктивную систему, оно рассчитано на полтора года и позволит ответить на ряд вопросов, например, как проводить программы ВРТ. Планируется также изучение влияния вакцин на женскую и мужскую фертильность.

## Не просто тестостерон

Кстати, разговор на заседании шёл больше о мужской фертильности, нежели о женской. В мире много исследований посвящено поиску вируса в эякуляте, влиянию на гормональный фон мужчин, на сперматогенез.

Как отметил Г. Сухих, провоспалительные цитокины, стрессорная ситуация вносит дополнительный эффект на территорию сперматогенеза. В НМИЦ акушерства, гинекологии и перинатологии закончено несколько работ по влиянию семенной плазмы на фертильность и было доказано, что совершенно недостаточно классического исследования эякулята. Сейчас большое внимание уделяется качеству, протеомике семенной плазмы.

Директор Университетской клиники МГУ им. М.В.Ломоносова, заведующий кафедрой урологии и андрологии факультета фундаментальной медицины, академик РАН Армаис Камалов подчеркнул гендерные предпосылки заболеваемости COVID-19. Женщины менее восприимчивы к вирусу в силу различия во врожденном иммунитете, стероидных гормонах, наличия факторов, связанных с половыми хромосомами. На каждые 10 заболевших женщин приходится 11 случаев заболеваемости мужчин, 12 случаев госпитализации, 18 случаев пребывания в отделении реанимации. Мужчины умирают на 30% чаще. У женщин обычно отмечается более высокий уровень защитных антител, которые дольше циркулируют.

А.Камалов остановился на роли андрогенов в течении этой инфекции, объяснив, что активный метаболит тестостерона - дигидротестостерон активирует андрогеновые рецепторы. Их активация необходима для запуска транскрипции с последующим биосинтезом трансмембранной сериновой протеазы TMPRSS2. Это в свою очередь приводит к протеолизу S-протеина SARS-Cov-2 с последующим образованием плотного контакта с АПФ-2, что способствует внедрению вируса в клетку.

Чувствительность к андрогенам может быть решающим фактором в определении тяжести заболевания COVID. Итальянские ученые показали, что пациенты, которые получали андрогенную депривацию, находясь на лечении рака предстательной железы, в меньшей степени болеют коронавирусом, чем те, у кого высокий уровень тестостерона. Но есть исследования, где утверждается наоборот, что риск тяжелого заболевания коррелирует с низким уровнем тестостерона. Мнения на сей счет разнятся. Так существует ли зависимость заболеваемости COVID-19 от уровня тестостерона у пациентов?

*– Да,* **- не сомневается А. Камалов.** *– По нашим данным, высокий тестостерон как раз коррелирует с повышением риска заболеваемости.*

По мнению академика, необходимо дальнейшее изучение влияния COVID на мужское здоровье с определением антиспермальных антител, оксидантного стресса сперматозоидов, фрагментации ДНК, состава ядерных белков сперматозоидов. Очень важно определение гормонального профиля у мужчин, как на фоне заболеваемости, так и после нее, а также понимание являются ли обратимыми (и в течение какого времени) нарушения, вызванные коронавирусом. И, конечно, важно изучение влияния вакцин на мужскую репродуктивную систему.

Главный внештатный специалист Минздрава России по репродуктивному здоровью, директор НИИ урологии и интервенционной радиологии им. Н.А.Лопаткина, член-корреспондент РАН Олег Аполихин призвал обратить внимание на молодых мужчин. По его словам, мы как бы забыли тот основной камень, который оказался краеугольным, больше обращаем внимания на пожилых людей. Система здравоохранения работает пока реактивно, а не предиктивно, действует вслед за свершившимся фактом. Нет пока риск-ориентированного подхода, чтоб изначально выделять группы риска по принципу так называемого светофора.Что касается пожилых людей, то в этом плане научный интерес представляет не просто тестостерон или дигидротестостерон, а так называемый тестостерон, связанный с кортизолом, который возникает у пожилых с учетом особенностей, так называемого закисления тканей. Именно поэтому пожилые люди болеют более тяжело.

Во главу угла, уверен О.Аполихин, следует ставить профилактику, обращая внимание на молодых мужчин и тех, у кого имелись воспалительные заболевания мочеполовой системы до заболевания ковидом, на мужчин, которые находятся в программах ЭКО и ИКСИ (среди них больше всего людей с теми или иными нарушениями сперматогенеза). Должен преобладать именно риск-ориентированный подход, когда не всех сразу охватывать, а четко выделять группы риска: красные, желтые, зеленые. Это будет способствовать сохранению репродуктивного потенциала.

## Демографические последствия

На сентябрьском форуме "Мать и дитя" женщинам и мужчинам после перенесенного COVID-19 рекомендовалось воздерживаться от зачатия ребенка в течение 3 месяцев. Изменилась ли точка зрения сегодня?

– Четких ограничений по срокам нет, **– объяснила Н.Долгушина.** – Пациент должен восстановиться, хорошо себя чувствовать, то есть при вступлении в беременность иметь нормальное соматическое здоровье. На реконвалесценцию в общем-то и уходит до 3 месяцев.

– Три месяца воздержания нужны не потому, что это период реконвалесценции, а потому что столько длится период сперматогенеза (обновление происходит примерно через 3 месяца), **– утверждает О. Аполихин.**

Учитывая широкую распространенность новой коронавирусной инфекции и ее последствий, вовлеченность в эпидпроцесс молодых, сам собой напрашивается вопрос: не возникнет ли демографическая яма в связи с этим?

По мнению Г. Сухих, сценарий будет следующим.

– Какое-то время будет небольшая пауза, **– считает академик.** – А потом, я полагаю, синусоида пойдет вверх. Ведь мотивы сохранения жизни фундаментальны. Думаю, это обязательно должно проявиться.

Наталья Долгушина предполагает, что демографический спад уже присутствует, ведь полгода в нашей стране не проводились циклы ВРТ (поскольку не было понятно, как влияет данная инфекция на гаметогенез, на ранний эмбриогенез), поэтому не наступило порядка 10-20 тыс. новых беременностей, значит, не родилось примерно 5 тыс. детей.

**Валентина ЕВЛАНОВА, "Медицинская газета".**

*Янги технология*

# РАҚАМЛИ МОБИЛЬ МАММОГРАФ АППАРАТИ ОЛИБ КЕЛИНДИ

**Жорий йил 14 май куни Президентимизнинг Ўзбекистонда онкология ва гематология соҳасини ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоятига Anke фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган "ASR-4000" русумидаги замонавий рақамли мобиль маммограф аппарати олиб келинди.**

Аёллар орасида энг кўп учрайдиган онкологик касалликлардан бири кўкрак бези саратонидир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда энг кўп аниқланадиган онкологик хасталик ҳам айнан кўкрак бези саратонидир.

Онкологик касалликлар билан оғримасликнинг, афсуски, юз фоизлик ечими мавжуд эмас. Аммо ушбу касалликларга чалиниш эҳтимолини бир неча бор камайтиришга эришиш мумкин. Бунинг учун эса, рационал овқатланиш, жисмоний фаол бўлиш, зарарли одатлардан тийилиш, умуман олганда, соғлом турмуш тарзига риоя этиш ва ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриш инсонни бундай оғир касалликлар билан хасталаниш эҳтимолини камайтиради.

Маълумот учун, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази тасаруфида мамлакат бўйича кўкрак бези саратони бўйича скрининг ишлари олиб учун 13 та мобил ва 16 та стационар маммографик ускуналардан фойдаланилмоқда.

Андижон вилоятига келтирилган "ASR-4000" русумли маммограф аппарати орқали кўкрак без саратони касаллигини дастлабки босқичларида аниқлаш имкони яратилади.

Яна бир афзаллик томонидан бири ушбу аппаратни олис ва чекка қишлоқларнинг ўзига олиб борган ҳолда аёлларни текширувдан ўтказиш имконияти мавжуд.

Бир ой ичида вилоятга қурилманинг яна битта маммограф қурилмаси олиб келинади. Шу кунларда бошқа вилоятларга ҳам шундай қурилмалар етказиб бериш режалаштирилмоқда.

**Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.**



## ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

**Президентимиз томонидан инсон саломатлигини сақлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликларидан миннатдорман. Шифо масканларида мен каби қариялар ва фахрийлар учун яратилган шароит ва имкониятлар дилни яйратади.**

Президентимиз ташаббуслари билан кўплаб шифо масканлари янгидан қурилиб, айримлари қайта таъмирланди. Шунингдек, уларнинг барчаси замонавий аппаратуралар ва малакали кадрлар билан таъминланди. Ўз касбининг барча фидойи тиббиёт ходимлари аҳоли учун кеча-ю-кундуз беъминнат хизмат қилишга бел боғлаганлар. Ана шундай, меҳнати таҳсинга лойиқ соҳа ходимлари хизматини қанчалар мақтасакда арзийди. Жумладан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Анвар Алимов ва биринчи ўринбосари Улуғбек Эгамбердиев ва мен истиқомат қилаётган ҳудуд Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти ҳамда бир қанча тиббиёт ходимлари халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Кўп йиллардан буён элимиз назарига тушган малакали шифокор Шоирахон Абдусаттарова, ўринбосари Робияхон Нурматова, қолаверса, 54-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Дилфузахон Абдурахимова ва олий тоифали шифокор Гулнорахон Жамиловалар хизматидан барчамиз мамнунмиз.

**Шухрат МУХАМЕДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## ХОРИЖЛИК ПРОФЕССОРЛАР ИШТИРОКИДА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

**Самарқандда эртага ўтказилиши режалаштирилган "Шошилинч тез тиббий ёрдамнинг долзарб муаммолари: шошилинч тиббий ёрдамда минимал инвазив технологияларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуидаги XVI халқаро илмий-амалий анжуман доирасида маҳаллий ҳамда озарбайжонлик бир гуруҳ шифокорлар Каттақўрғон шаҳрида бўлишди.**



Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи арафасида Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасига баҳоси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган лапароскопия аппарати берилган эди. Эндиликда нафақат каттақўрғонликлар, балки шу атроф ҳудуддаги туманлар аҳолиси ҳам вилоят марказига боришига ҳожат йўқ. Ҳозирда шу ернинг ўзида лапороскопия усулидаги жарроҳлик амалиётлари амалга оширилмоқда.

Хориж ҳамда республикадан ташриф буюрган мутахассислар икки кун давомида Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлимида даволанаётган беморларни кўрикдан ўтказишди. Уларнинг даволаниш жараёнлари, операциядан кейинги ҳолати бўйича хорижлик мутахассислар ўз фикр, таклифларини билдиришди.

–Тизимда ҳар йили 220 мингдан зиёд стационар жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, шундан 50 фоизда ортиғи юқори технологияли операциялар ҳисобланади, — **дейди Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази раҳбари ўринбосари Шухрат Атажанов.** – Марказимиз ҳамда унинг филиалларида ҳар йили ишемик ва гаморрагик қон айланишининг ўткир касалликлари, қорин ва кўкрак бўшлиғи соҳасидаги патологиялар учун замонавий минимал инвазив аралашувлар амалга оширилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, марказда Марказий Осиёда биринчи марта замонавий технологиялар ёрдамида шу пайтгача амалга оширилмаган мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Бу масалада марказ мутахассисларининг Россия, Финляндия, Туркия, Япония ва Руминия каби давлатларнинг тиббиёт муассасаларида ўқитилиши таъминланмоқда, хорижлик клиникалар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилмоқда, хорижлик мутахассислар иштирокида анжуман ва маҳорат дарслари ўтказилмоқда.

Ташриф давомида озарбайжонлик шифокорлар томонидан лапароскопия ёрдамида бир нечта беморларда жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, каттақўрғонлик жарроҳлар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

– Пойтахт, яъни мамлакат марказидан бир неча юз километр узоқликдаги чекка ҳудудда бу каби юксак технологияли асбобнинг мавжудлигини Ўзбекистонда тиббиётга алоҳида эътибор қаратиши ифодаси, аҳолига улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани намунаси, деб биламан, — **дейди Боку миллий жарроҳлик маркази раҳбари, профессор Гурбонхон Муслюмов.** — Бутун дунё тажрибасидан маълумки, шошилинч тез тиббий ёрдам тизимида юқори технологияларни амалиётга татбиқ этиш мураккаб масала. Бемор турли даражадаги оғриқ, жароҳатлар билан келгач, унга шошилинч ёрдам кўрсатилиши лозим. Бундай вазиятда беморга юқори технологияли ускуналарда ёрдам кўрсатиш шифокордан тажриба, маҳорат ҳам талаб этади.

Бугун Ўзбекистонда ушбу амалиёт татбиқ этила бошланган. Бунинг учун шароитлар ҳам, шифокорларнинг тажрибаси ҳам етарли эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Қолаверса, бир пайтлар европаликлар Абу Али ибн Синодан тиббиёт сирларини ўрганиш учун келган юртда бу тажрибани тиклаш учун барча имкон мавжуд, деб ўйлайман.

**Шунингдек, ушбу мутахассислар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида ҳам беморларни тиббий кўрикдан ўтказиб, лапароскопия ёрдамида мураккаб жарроҳлик амалиётларини амалга оширишди.**

**Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 809 нусха.
Буюртма Г-540

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Наргулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.